

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
UY - JOY KOMMUNAL
XIZMAT KO'RSATISH
VAZIRLIGI**



**MINISTRY OF HOUSING AND
COMMUNAL SERVICES OF
THE REPUBLIC OF
UZBEKISTAN**

100035, O'zbekiston Respublikasi, Toshkent
shahri, Niyozbek yo'li ko'chasi, 1;
Tel., Факс: 71 234-07-44

1 Niyozbek yuli street, Tashkent city,
Republic of Uzbekistan, index: 100035;
Tel., Fax: 71 234-07-44

27.03.2019 № 04/01-1345.

№ _____ ga

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати
Т.Норбаевга**

Хурматли Турсунўлат Юсупович.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Сизни Сурхондарё вилояти “Жарқўрғон тумани “Сурхон” қишлоқ аҳоли пунктларининг ичимлик сув таъминотидаги муаммолар тўғрисида”ги 13/03-17-91-сон мурожаатингизда кўрсатиб ўтилган камчиликлар юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Жарқўрғон тумани “Сурхон” қишлоғи аҳоли пунктларининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш ишлари Осиё тараққиёт банки доирасида ажратилган кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилган.

Мазкур ишлар тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларида кўрсатилган қурилиш-монтаж ишлари пудрачи ташкилот “278-ХМКЖ” МЧЖ томонидан тўлиқ бажарилган. Лойиҳа асосида амалга оширилган ишлар тегишли назорат органлари томонидан назорат-ўлчов ишлари ўтказилиб, хулосалар берилган.

Осиё тараққиёт банки доирасида ажратилган кредит маблағлар миқдори чекланганлиги сабабли тасдиқланган лойиҳада Жарқўрғон тумани “Сурхон” ҚАПга қарашли маҳаллалар тўлиқ қамраб олинмаган.

Шу сабабли “Мингчинор”, “Жинжактепа”, “Хўжақишлоқ”, “Меҳнатобод”, “Эскиқишлоқ”, “Марказий Сурхон”, “Боймоқли” ва “Янгиариқ” маҳаллаларида яшовчи аҳолининг бир қисми лойиҳага киритилмасдан қолган.

Ушбу маҳаллалар ҳудудида яшовчи аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш ишлари давлат дастурлари асосида амалга оширилиши режалаштирилган.

Осиё тараққиёт банки доирасида ажратилган кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилган Жарқўрғон тумани “Сурхон” қишлоқ аҳоли пунктларининг ичимлик сув таъминоти ва санитариясини яхшилаш лойиҳасига киритилган қисмида ичимлик сув таъминотини йўлга қўйиш бўйича бугунги кунда таъмир-талаб ҳолда келиб қолган сув тармоқлари ва усқуналарни қайта тиклаш ишлари “278-ХМКЖ” МЧЖ пудрачи ташкилот томонидан бажарилмоқда.

Вазир ўринбосари

Т.Хайдаров

Ижр: А.Эргашев
Тел: (71)234-12-49

13/03-1791